

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

ТАРИХ ЙЎНАЛИШИ БИТИРУВЧИСИ

НАФИДИНОВА ХОСИЯТНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: XX аср бошларида Ўзбек
маърифатпарварларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари**

Илмий раҳбар: Ф.Х.Ўтаева

BUXORO - 2012

**Мавзу: XX аср бошларида Ўзбек маърифатпарварларининг
ижтимоий-сиёсий қарашлари**

Режа:

Кириш

- 1. XX аср бошларида маърифатпарварлик ғоялари вужудга келишининг асос ва шартлари.**
- 2. Ўзбек маърифатпарварларининг жамият тараққиёти ҳақидаги қарашлари.**
- 3. XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварларининг сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш учун кураши**
- 4. XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварлари фаолиятининг натижалари ва тарихий сабоқлари**

Хулоса

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

К и р и ш

Мавзунинг долзарблиги. Тарихга кириб бораётган бугунги ҳар бир кун ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ўнлаб йилларга тенгдир. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳар куни узок давр мобайнида тўпланиб ўз ечимини кутиб ётган кўпгина муаммолар ҳал қилинмоқда. Бу ўринда тарих фани соҳасида тўпланган масалаларни ҳал қилиш, ҳамда халқнинг қалби ва хотираси бўлмиш бу қадим фаннинг нуфузини кўтариш, масъулиятли вазифаларни белгилаб олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 27 июлдаги қарори катта аҳамият касб этади. Қарорда тарих соҳасида ўз ечимини кутиб ётган назарий ва амалий масалалар билан бир қаторда жамият тараққиётининг асосий устунларидан бири бўлган тарих фанини ривожлантириш ҳозирда долзарб вазифалардан бирига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўп бор таъкидлаб ўтганларидай “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур”¹. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг тарих фани миллий давлатчилик тарихини, Ўзбекистон ҳудудида юз берган маданий, маърифий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни холис ва ҳаққоний ёритиш имкониятига эга бўлди. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Зотан тарих – халқ маънавиятининг асосидир. Маънавият эса, жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона кучдир”². Шу сабабли ҳам мазкур вазифани бажариш Республика ҳукумати томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Қадимги Турон заминида буюк алломалар ва мутафаккирлар кашф этган бой илмий мерос умумжаҳон цивилизацияси тараққиётида муҳим рол ўйнагани жумлаи жаҳонга маълум. Маънавият, маърифат ва илм-фан

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Мулоқот. 1998, № 2. - Б.2.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. / Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. 7 – жилд. Т: Ўзбекистон, 1999. – Б. 146.

таракқиёти учун, ҳатто жонини ҳам бахшида этган ўзбек таракқийпарвар ва маърифатпарвар зиёлиларимизнинг ўрни алоҳида мавқе касб этади. Уларнинг илмий меросини ўрганиб ҳаётга қайта тадбиқ этмоғимиз керак. Шу муносабат билан Ўзбекистонда туб ўзгаришлар даври ҳисобланган бир пайтда ота-боболаримиз тарихи, фан фидойиларининг илмий-ижодий йўли ва ижтимоий-сиёсий қарашларини халқимизга етказиш долзарб деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганда кейин ўтган қисқа даврда эришган энг улкан ютуғимиз-бу юртимиз озодлиги ва кадриятларимизнинг тикланаётганлигидир.

Шу боисдан ҳам халқимиз ва Ватанимизнинг ўз тарихига бўлган ташналигини қондириш борасида бир қатор ишлар қилинди ва қилинмоқда. Айниқса Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган маънавиятимиз ва тарихимизни тиклаш соҳасида эришилаётган ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мавзу шунинг учун ҳам долзарбки бугунги авлодга озодлик курашлари тарихини замон талаблари, чет элларда нашр этилган тарихий асарлар, архив ҳужжатлари ва бошқа манбалар асосида ҳақиқатни етказишдан иборат. Қайсиқим бугунги мустақиллик осонликча қўлга киритилмаганлиги унинг илдизлари олдинги асарларга бориб тақалишини англаш осон бўлсин.

XX аср бошларида Бухорода энди шаклланиб келаётган демократик ҳаракатлар турли муаллифлар томонидан жадиличлик ҳаракати деб баҳоланиб, тарихий адабиётларда, ҳам партия ва давлат ҳужжатларида ҳам буржуача мафкура, миллатчилик, панислотизм каби бўҳтонлар билан қоралаб келинди. Лекин Бухоро амирлиги ағдариб ташланланганга қадар М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, А.Фитрат, А.Авлоний ва бошқа таракқийпарварларнинг асарларида бу ҳаракатлар аниқ ва равшан ўз аксини топган.

Мавзунинг илмий ўрганилиш даражаси. Туркистон тарикқийпарваларининг ижтимоий сиёсий қарашлари тарихини ўрганиш XX асрнинг 20 йилларида бошланган. Бевосита, ушбу тарихий даврнинг

иштирокчиси ва кўзга кўринган намояндаларининг асарлари ҳам бунга мисол бўла олади.

Жумладан Туркистон жадидчилик ва тараққийпарварлик ҳаракатининг машҳур намояндаларидан бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий³, Абдулла Авлоний⁴, Ф.Хўжаев⁵. Абдурауф Фитрат⁶, Садриддин Айний⁷, Ҳожи Муин⁸ ва бошқаларнинг асарларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Ушбу тараққийпарварлар олимларнинг асарларининг илмий қиммати шундаки, улар бевосита ушбу тарихий даврнинг жонли гувоҳи бўлганларидадир. Туркистон тараққийпарварларининг ижтимоий сиёсий қарашлари тарихи ёритишда Уларнинг асарлари ва илмий мерослари катта аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида эса мавзуга миллий истиқлол ғояси ва тарихий ҳақиқат кўзи билан қаралиб маҳаллий тарихчилар томонидан қатор илмий хулосаларга бой асарлар нашр этилди. Бу соҳада Ф.Қосимов⁹, С.Агзамхўжаев¹⁰, Б.Эргашев¹¹, Н.Каримов¹², Б.Қосимов¹³, каби таниқли олимларнинг ишлари диққатга сазовордир. Бухорода демократик ва жадидчилик масалаларини ўрганишга катта ҳисса қўшган тўплам бу

³ Маҳмудхўжа Бехбудий. / Танланган асарлар. Т: Маънавият 2002.

⁴ Абдулла Авлоний. / Танланган асарлар. Т: Маънавият 2002.

⁵ Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига матнриаллар. – Тошкент- Самарқанд: 1926.

⁶ Абдурауф Фитрат. / Танланган асарлар. 5-жилдлик. Т: Маънавият, 2001-2005.

⁷ Садриддин Айний. / Танланган асарлар. 8 жилдлик. Т: Ўздавнашр 1963-1967.

⁸ Ҳожи Муин. / Танланган асарлар. Т: Маънавият 2002.

⁹ Қосимов Ф. Бухорода миллий демократик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари. / Марказий Осиё XX аср бошида: Ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик) Халқфоро конференция материалари. (1999 й, 16-18 сентябрь). Т: Маънавият 2001. – Б115-118.

¹⁰ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухтоияти – жадидлар миллий-демократик ғояларининг амалдаги ифодаси. // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мусақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тўплам №1. Т: Университет 1999. – Б. 152-174.

¹¹ Ф.Х.Қосимов, Б.Эргашев. Дорогу выбрал курултай. Родина. 1989. №11 стр.30-39. Д.А.Алимова. Историческая мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркистана. Т.1996, Ф.Хўжаев ва жадидчилик. (Ф.Х.Хўжаев ҳаёти ва фаолияти тўғрисида мулоҳазалар.) Т.1997. С.С.Агзахўжаев. Туркистон мухторияти. Т.1996. Р.Абдуллаев. Туркистанское прогрессисты и национальная движение. Звезда востока. 1992.№1. Б.Эргашев. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. Т.1991.

¹² Каримов Н. Миллий уйғониш даврида ўзбек адабиёти. Т: Маънавият 2004.

¹³ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т: Маънавият 2002.

“Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш” ҳамда Д.Алимованинг шу тўпламдаги мақоласидир.¹⁴

Мавзу тарихшунослиги совет даврининг 30-80 йиллар тадқиқотлари жуда кенг даврни қамраб олсада ниҳоятда кўп илмий тадқиқотлар олиб борилиб жиддий илмий асарлар¹⁵ чоп этилгани билан фарқланади. Бу давр адабиётларининг қиймати яна шундаки, тадқиқотлар манбалари архив хужжатлари, газета ва журналлар ҳамда хотиралардаги материаллар билан бойитилди. Аввалига кичик-кичик публицистик мақолалар¹⁶, кейинроқ бир неча номзодлик ва докторлик¹⁷ диссертациялари ҳимоя қилинди. XX аср охири XXI аср бошларида мавзуга қизиқиш шу даражада ошдики эндиликда йирик илмий тўпламлар, монографиялар ва дарсликлар эълон қилинмоқда. Д.Алимова, Д.Зияева, Қ.Ражабов, У.Рашидовларнинг¹⁸ ишлари бунинг ёрқин мисолидир.

¹⁴ Д.А.Алимова. XIX аср охири XX аср бошларида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик. / Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тўплам №1. 1999. 84-103 бет.

¹⁵ Ф.Бажко. Гранжданская война в Средний Азии. Т.1930, Ф.Хўжаев. К истории революции в Бухаре и национального размежевание Средний Азии. Т.1932, С.Тимошков. Борьба с интервентами, белогвардейцами и босмогством в Средней Азии. М.1941, О.Эшонов. Бухоро Халқ Совет Республикасининг тузилиши. Т.1955, Шу муаллиф. Бухоро Халқ Совет Республикаси. Т.1969, М.Назаров. Туркистон интервенция ва граждандар уруши даврида (1918-1920йил) Т.1961, М.Ирков.”История гражданской войны в Таджикистане, Душанбе” 1963, История гражданской войны в Узбекистане. Т.1964-1970. (Т-I-II), А.И.Зевелев ва бошқалар. Босмачество: возникновение, сущность, крах. М.1981, Х.Ш.Иноятов. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. М.1984.

¹⁶ Р.Шамсуддинов. Эркага чорланган эркисизлик. Шарқ юлдузи. 1992 №3 184-191бет, Босмачилик ҳақида ўйлар. Мулоқот - 1993. №5-6, 26-32 бет. У.Рашидов. Айбсиз айбдорлар. Гулистон. 1991, №11. 6-7 бет. Анвар пошшо. Фан ва турмуш. 1994 №2 18-19 бет, Бухоро босмачилари аслида ким эди? Мулоқот - 1994 №11-12. 33-36 бет.

¹⁷ Р.Ҳақимов. Зарубежная историография истории босмачество Средней Азии (1917-1932 йиллар) авторф. диссертации кандидат исторический наук Т.1993, Д.Зияева. Национально освобождение движение в Туркистане в историографии XX века. Автореферат доктора исторических наук Т.1999.

¹⁸ Д.Алимова. Джадизм в Средней Азии. Путь обновления, реформы, борьба за независимость. Т.2000, Д.Зияева Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Т.2000, Қ.Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.2002, Туркистон в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т.2000, Ўзбекистоннинг янги тарихи (2 китоб) 2000, Марказий Осиё XX аср бошларида Т.2001, У.Рашидов. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924 йил) Бухоро 2003.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистон тараққийпарварларининг ижтимоий сиёсий қарашларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, маърифатпарвар олимларнинг тарихий ғояларини умумлаштириш, битта тизимга келтириш, уларни алоҳида мавзу сифатида илмий тадқиқ этиш, уларнинг бой илмий меросини, қарашларини бугунги истиқлол талаблари, шартлари нуқтаи назаридан таҳлил этиш, шунингдек, шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий иш олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- XX аср бошларида маърифатпарварлик ғоялари вужудга келишининг асос ва шартлари кўрсатиб ўтиш;
- Ўзбек маърифатпарварларининг жамият тараққиёти ҳақидаги қарашларини ўрганиш;
- Туркистон тараққийпарварларининг асарларини ўрганиш;
- XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварларининг сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш учун кураши таҳлил этиш;
- XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварлари фаолиятининг натижалари ва тарихий сабоқлари кўрсатиб ўтишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши Кириш, тўрт режа, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва хулосадан иборат.

1. XX аср бошларида маорифпарварлик ғоялари вужудга келишининг асос ва шартлари

Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг забт этилиши ушбу худудни таназзулга юз тутишига, жаҳоннинг ривожланган давлатларидан кўп соҳаларда орқада қолиб кетишига, миллий кадриятларни топталишига олиб келди. Маориф соҳасида ҳам империя манфаатларидан келиб чиқиб, маҳаллий аҳолини саводсизликда, қолоқликда тутиб туришга қаратилган сиёсат олиб борилди.

Туркистонда муштамлакачилликка қарши миллий озодлик ҳаракатлари билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг аксарият қисми ўзликнисақлаб қолиш, маҳаллий маданиятни асраш ва ривожлантиришни бир кун бўлса ҳам унутмади. Ўрта Осиёга нисбатан Россия империясининг ғарбий жиҳатдан устунлиги маҳаллий аҳолининг очичдан-очик кураш олиб боришига имкон бермади. Шунинг учун ҳам Ватан миллат, халқ қайғусини тушунган кишилар, айниқса, зиёлилар халқни озодликка элтувчи йўл бу-унинг маърифатини уйғотиш деб билди. Улар халқни маърифатли қилмасдан туриб, мустақилликни қўлга киритиб бўлмади, деб ҳисоблаганлар. Зиёлилар халқ орасида илғор ғояларни тарқатишда маориф тизимини асосий восита деб билдилар. Ўлка миллий зиёлиларининг жамиятни янгилашга ва ислоҳ қилишга қаратилган ҳаракати маорифпарварлик ва жадинчилик номи билан майдонга чиқди¹⁹.

Ҳар бир жамиятдаги ўзгаришлар ўз даврининг тарихий шароитидан келиб чиқиб намоён бўлади. Бу ўзгаришларга тарихий шахслар, айниқса зиёлиларнинг ўрни катта бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос илғор ғояларни

¹⁹ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадинчилик ҳаракатининг вужудга келиши. /Жадинчилик: ислоҳот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадинчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б .28-29.

илгари суради. Зиёлилар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш йўлларини топишга ҳаракат қилади. Худди шундай жараён XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси таркибига кирган Қрим, Каказорти, Туркистон, протекторатга айланди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига ҳам рўй берди. XIX асрнинг иккинчи ярмида мустамлака зулми остидаги зиёлилар ўз халқларини маърифатли қилиш ва уларнинг тараққиёт даражасини кўтаришга қаратилган ҳаракатларни бошладилар²⁰.

Туркистон тараққийпарварларининг асосий мақсадлари қуйидаги йуналишдан иборат булган: 1. Янги усул мактаблари тармогини кенгайтириш; 2. Умидли, иқтидорли ёшларни чет элга уқишга юбориш. 3. Турли маърифий жамиятлар тузиш, ҳамда зиёлиларнинг кучли фиркасини ташкил этишга қаратилган газеталарни чоп этиш эди. Шу дастурни амалга ошириш борасида Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахужа Асадуллахужаев, Махмудхужа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулхамид Чулпон, Абдурауф Фитрат ва бошқа зиёлилар жонбозлик курсатишди. Янгича уқитиш мусулмон болаларига дунёвий, диний таълим бериш дастури асосида олиб борилди. Бу дастурга кура мактабларда уқитиш тизими икки боскичдан иборат булган. Биринчи боскич ибтидоий қисм деб аталиб, унинг тахсил муддати 4 йил булган²¹.

Биринчи боскични тугатган шогирд мактабда 10 йил уқигандан кура яхшироқ савод чиқарган. Иккинчи боскични муваффақиятли тугатган шогирд арабча, форсча, туркий тилда бемалол сузлашиб, русчада эркин гаплаша олар эдилар. Адабиётда ҳам тил, жанр, шакл, мавзу, услуб борасида янгиликлар руй берди. Жаид уламолар уз асарларини вақтли матбуотда эълон қилиб, уларда мавжуд жамиятнинг салбий томонларини очиб беришди. Жаид уламоларнинг публицистик мақолалари, бадий асарлари,

²⁰ Шарипов Р. Туркистон жаидчилик ҳаракати тарихидан. Т: Ўқитувчи, 2002. – Б. 4.

²¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т: Маънавият, 2002. –Б. 35.

"Самарканд", "Оина", "Садои Туркистон", "Юрт", "Нажот" каби газета ва журналларда нашр килинар эди²².

Туркистоннинг янги зиёлилари дастлабки яратган пьесаларида XX аср кадриятларини химоя қилиш, ижтимоий онгни давр даражасига кутариш ғояларини ёритди. Туркистонда мустамлакачи маъмурлар, шунингдек амирлар, хонлар ва дин пешволарининг жаҳид матбуотига қарши олиб борган кураши жаҳидларни маданий ислохотдан сиёсий қаршилик қурсатишга олиб келди. Жаҳидларнинг дастлабки сиёсий ҳаракатларида маърифий ва хайрия жаҳиятларини тузиш, фиркалар ташкил этиш, мавжуд тузум қамчиликларини фожия этиш яққол қузга ташланади²³. Шунинг учун ҳам жаҳидларга чор маъмурлари ҳам хон ва амирлар ҳам қаттиқ қаршилик қурсатишди, жойларда уларнинг фаолиятини тақиқлашди.

Туркистон ўлкасида миллат истиқболини ўйловчи маърифатпарвар ва таракқийпарвар қучлар халқнинг деярли барча табақалари ҳунармандлар, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди. Маорифпарварлик ғояларининг Туркистонда кенг ёйилишида "Таржимон" газетаси қатта ўрин тутди²⁴. Исмоил Ғаспиралининг 1893 йилда Тошкент, Бухоро ва Самарқандга ташрифи маърифатчилик ғояларининг кейинги ривожига тўртки бўлди. 1893 йилда Бухоро амирлигида биринчи янги усул мактаби фаолият қўрсата бошлади. Кейинчалик бундай мактаблар бошқа ҳудудларда кенг тарқалди²⁵.

Ўрта Осиё жаҳидлари маърифатпарварлик йўлида Қрим зиёлилари таҷрибаларини ўрганиш билан бирга, бошқа мамлакатдаги таракқийпарварларнинг илғор ғояларидан ҳам фойдаланганлар. Ўрта Осиё таракқийпарварлик ҳаракати иштирокчиларининг ёши бошқа мамлакатлар прогрессив ҳаракат вакилларида ажралиб турган. 1910 йилда уларнинг энг ёши Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон – 13 ёшда, энг қаттаси Маҳмудхўжа

²² Қосимов Б. Қўрсатилган асар. – Б. 40.

²³ Қаримов Н. XX аср ўзбек адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон 2008. – Б. 9.

²⁴ Қосимов Б. Милий уйғониш. Т: Маънавият, 2002. – Б. 21.

²⁵ Қосимов Б. Қўрсатилган асар. – Б. 21-22.

Бибудий– 36 ёшда бўлган²⁶. Тараққийпарварлик ҳаракатининг ривожланиши икки босқичда бўлди. Биринчи босқичда маърифатпарваликдан бошланган жадиличлик ҳаракати 1917 йилга келиб ўзининг иккинчи босқичи сиёсий кўринишдаги ҳаракатга айланди²⁷.

Ўрта Осиёнинг миллий маорифпарварлик ва тараққийпарварлик ҳаракати ҳудудий хусусиятларига кўра, Туркистон, Бухоро ва Хива жадиждарига бўлинади. Туркистон жадиждилигининг асосий таркибини зиёлилар ташкил этиб, улар Россия империяси мустамлакачилик сиёсатига қарши курашнинг олдинги сафларида турди. Улар подшо ҳукуматининг хомашё манбаига айлантирган Туркистоннинг келажagini мустақил, ривожланган давлат сифатида кўришини орзу илганлар. XX асрнинг бошларидан шаклланган тараққийпарварлик кучлари давлатнинг бошқарув тизими замон талабларига жавоб бермаслигини, уларнинг турмуш даражаси паст эканлигини ва уни ўзгартириш лозимлигини чуқур англагандилар²⁸.

Туркистон минтақаси халқлари ҳаётида ҳеч қайси ҳаракат жадиличлик сингари улкан таъсир кучига эга бўлмаган. Жадиличлик ҳаракати XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон минтақаси, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳаракат ҳисобланади²⁹. Жадиличлик ҳаракати дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида Қримда Исмоилбек Гаспринский (1851-1914) раҳбарлигида Қрим татарлари ўртасида вужудга келган³⁰. Бу ҳаракат намояндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадиждар деб аташган. Ўша даврнинг илғор тараққийпарвар кучлари, биринчи навбатда, зиёлилар маҳаллий аҳолининг

²⁶ Ражабов Қ, Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т6 Университет 2002. – Б. 6.

²⁷ Алимова Д. Жадиличлик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадиждар тафаккури. / Жадиличлик; ислоҳот, янгиланиш мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадиждилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам. № 1. Т: Университет 1999. – Б. 41.

²⁸ Қ.. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т: Маънавият, 2002. – Б. 7.

²⁹ Ражабов Қ.. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т: Маънавият, 2002. – Б. 7-8.

³⁰ Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон 2008. – Б. 9-10.

умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлигини ҳис этиб, жамятни ислоҳ қилиш заруриятини тушуниб етган эдилар.

Жадидчилик моҳият эътибори билан аввало сиёсий ҳаракат бўлган. Унинг шаклланиш, ривожланиш ва мағлубиятга учраш даврлари бўлиб, уларни шартли равишда тўрт даврга бўлиш мумкин. Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудида бу даврлар: 1-давр (1895-1905); 2-давр (1906-1916); 3-давр (1917-1920); 4-давр (1921-1929 йиллар)ни ўз ичига олади³¹. Миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари - хунармандлар, деҳқонлар, савдогарлар, мулкдорлар ва уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб Россияси империяси ҳукмронлигига қарши курашни халқни асрий қолоқликдан уйғотиш - сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Жадидчилик ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор бўлган: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш, қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамятлар ва театр труппалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат куриш³². Жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди³³.

Жадидчилик ҳаракатининг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини

³¹ Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон 2008. – Б. 9.

³² Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т: Маънавият 2002. – Б. 32.

³³ Ражабов Қ.. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т: Маънавият, 2002. – Б. 10.

ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият куриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий кўшин тузиш бўлган. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хивада хур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан жади́дчилик ҳаракати шаклланди³⁴. Туркистондаги жади́дчилик ҳаракатига самарқандлик тараққийпарвар Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919) асос солган.³⁵

Маълумки, Туркистон минтақасидаги жади́дчилик ҳаракати тарқалиш жойи ва йўналишига кўра учга бўлинади: Туркистон, Бухоро ва Хива жади́дчилиги. Туркистон жади́длари билан Бухоро ва Хива жади́длари ўртасида бир мунча тафовут бор³⁶. Туркистон ўлкасидаги жади́дчиликнинг ижтимоий асосини зиёлилар ташкил қилган. Улар подшо Россияси мустамакчилигига қарши курашнинг олдинги сафларида туриб, Россия империясининг хом ашё манбаига айлантирилган Туркистоннинг дастлаб мухтор, сўнгра мустақил давлат бўлишини ёқлаб чиқдилар.

Туркистон жади́дчилик ҳаракатининг намояндалари маърифатпарвар кишилар эди. Маърифатпарварлар кенг маънода билим тарқатувчи кишилар ҳисобланади. Сиёсий маънода маърифатчилик халқни озодликка олиб чиқиш ва миллий давлатчилик ғояларини илгари суриш билан ифодаланади. Туркистон маърифатпарварлари жаҳолат, билимсизлик, маданиятсизлик, мутаассиблик, диний ақидапарастликни инсон азоб-уқубатларининг асл сабаблари дея талқин этадилар. Улар подшо яккаҳукмронлигига қарши курашдилар, сиёсий эркинлик ва инсон ҳуқуқларини ёқлаб чиқдилар.

³⁴ Ражабов Қ., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т: Маънавият, 2002. – Б. 7-8.

³⁵ Туркистондаги жади́дчилик ҳаракати ва унинг моҳияти тўғрисида батафсил қаранг: Алимова Д., Рашидова Д. Махмудходжа Бехбудий и его исторические воззрения. Т.: Маънавият, 1998; Жади́дчилик: ислоҳот, янгилаиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жади́дчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1. Масъул муҳарир Д.Алимова. –Т.: Униеврситет, 1999; Алимова Д.А. Джади́дизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. –Т.: Ўзбекистон, 2000; Аҳмедов С., Ражабов Қ. Жади́дчилик. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 3. –Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2002. –Б. 519-523.

³⁶ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т: Маънавият 2002. – Б. 38.

Турли мамлакатларда маърифатчилик ҳаракатлари ўзига хос, миллий хусусиятларга эга бўлган, аммо уларнинг муштъарак жиҳатлари ҳам мавжуд эди. Бу жиҳатлар Туркистон жадиidlари фаолиятида ҳам намоён бўлди. Жумладан, улар мавжуд тузум, унинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий саҳалардаги барча салбий кўринишларга ва камчиликларига қарши курашиш; маъориф, эркинлик, ҳаётнинг инсоний-маданий жиҳатларини шакллантириши, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя илиш, маъанавий ва ахлоқий меъёрларни такомиллаштириш; халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ фаровонлигини оширишга сидқидилдан интилиш йўлидан бордилар.

Маърифатпарварлар Туркистонда азалдан мавжуд бўлган, яъни Алишер Навоий, Мирзо Бедил ва Бобораҳим Машўрабдан қолган меросдан фойдаланган ҳолда Туркистонда демократик ва тараққийпарвар ғояларни давом эттирдилар. Туркистон илғор зиёлилари эришган ютуқлари орасида энг салмоқлиги ҳукмрон мафкурадан мустақил бўлган халқ таълими тизимининг яратилиш ҳамда миллий матбуотга асос солиниши эди³⁷. Бу эса ўз навбатида прогрессив ғояларни тарқатиш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Туркистонда жадиdчилик ҳаракатининг бошланиши масаласида яқин вақтларгача тарихчи ва адабиётшунос олимлар даврасида яқдиллик бўлган. Улар жадиdчиликнинг XX аср бошларида Россия, Туркия ва Эронда рўй берган инқилоий ҳаракатлар таъхсирида майдонга келгани ҳақида ягона фиркда бўлганлар. Аммо кейинги йилларда худди шу масалада ўзгача фирклар ҳам ўртага ташланмоқда. Ўзбек халқи тарихининг хорижий тадқиқотчиларидан бири Боймирза Ҳайитнинг фикрига кўра, жадиdчилик XIX асрнинг охирларида бошланган³⁸.

Боймирза Ҳайит Туркистондаги бу маърифатпарварлик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларини санаганда, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон

³⁷ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадиdчилик ҳаракатининг вужудга келиши. Жадиdчилик: ислохот, янгилаиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадиdчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1. Масъул муҳарир Д.Алимова. –Т.: Униеврситет, 1999. Б. 26.

³⁸ Каримов Н. Кўрсатаилган мақола. – Б. 26-27.

сингари том маънодаги жадидлар билан бирга Комил Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Абай, Мулла Нафас, Зинҳорий сингара маърифатпарварлар шоирларнинг ҳам номларини тилга олган³⁹. Сўнгги йилларда ўзбек олимлари орасида ҳам жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиш вақтини бир оз олдинга суриш, шунингдек, жадидлар сафини юқоридаги сингари кенгайтиришга уриниш тамойили йўқ эмас⁴⁰. Жадидчиликнинг қачон бошлангани принципал аҳамиятга эга. Агар биз, бу ҳаракатнинг XIX асрнинг охирларида бошланганлиги тўғрисида фикрга қўшилсак, у ҳолда унинг қайси омиллар таъсирида пайдо бўлганлиги ва моҳияти масаласига ҳам ойдинлик киритиш лозим бўлади. Қолаверса, Комил Хоразмий, Муқимий ва Фурқат билан Беҳбудий, Фитрат ва Чўлпон ўртасидаги жадидона яқинликни ҳам асослаб бериш зарур⁴¹.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаларидан бири Абдулла Авлоний ўзининг таржимаи ҳолида 1900 йилда уйлангани ва оила бошлиғи бўлиб қолганлигини эсалаб, бундай ёзган: “Бу вақтда бутун оилани боқмоқ учун қиш кунлаида ишламоқга тўғри кеганлигиджан қуввати муҳофазам ўрта даржа бўлғон ҳолда мадрасани ташлаб чиқиб кетувга тўғри келди. Шул чоқларда ўзим меҳнатичида яшаганлиғимдан бойларга ва муллоларга қарши шеърлар ёза бошладим. Мадрасадан чиқиб кетсам ҳам маориф ишларидан чиқиб кетмадим. Турли газеталар ўқишга тутиндим. Шул замонларда Русиянинг турли шаҳарларида чиққан матбуот-газета ва журналлар билан танишиб, ўқиб маълумотларнит орттира бордим. “Таржумон” газетасини ўқиб, замондан хабардор бўлдим. Шул замонда ерли халқлар орасида эскилик-янгилик жанжали бошланди. Газета ўқувчиларини муллалар “жадидчи” номи билан атар эдилар. Мен ҳам шу жадидлар

³⁹ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. Жадидчилик: ислоҳот, янгилаиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1. Масъул муҳарир Д.Алимова. –Т.: Униеврситет, 1999. Б. 27-29.

⁴⁰ Ўша жойда.

⁴¹ Каримов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 30.

каторига кирдим. 1904 йилдан жаидчилар тўдасида ишлай бошладим. “Жаид мактаби” очиб, ўқитувчилик қила бошладим”⁴².

Агар Абдулла Авлониининг 1878 йили туғилганлигини ва ўзбек жваидчилик ҳаракатининг отаси Махмудхўжа Бехбудийдан бор-йўғи уч ёшга кичик эканлигини эътиборга олсак, унинг жаид ёзувчилари ва маърифатпаварларининг тўнғич бўғинига мансуб эканлиги маълум бўлади. Демак, у 1900-1904 йиллар оралиғида “Таржумон” газетасини ўқиб, замондан хабардор бўлган ва жваидлар тўдасида ишлай бошлаган⁴³. Жаидлар билан қадимлар (ёхуд қадимчилар) ўртасидаги кураш ҳам худди шу даврда бошланган⁴⁴.

Абдулла Авлонииндан ўн бир ёш кичик бўлган Ҳамзаниннинг “Таржумон” сингари даврнинг тараққийпарвар газеталарини билан танишуви эса 1907-1908 йилларда бошланган⁴⁵. Унинг таржимаи ҳолида бу ҳақда қуйидаги сўзларни ўқиймиз: “1907 йили, отам ҳажга кетиши муносабати илан, бирга Қашғаргача узатиш муносабатила саёхатга бориб, биринчи мартаба “Вақт”, “Боқчасарой” (“Таржумон”) газеталарини ўқишга шундайц ўрганиб қайтдим. Шундан бошглаб кундан-кун эски хурофотларни, мадраса ўқишларини, халқ тирикчилигига ўзгаришларни, маданият, иқтисод деган масалаларни текширишга қира бошладим”⁴⁶.

Абдулла Авлониин ва Ҳамзаларнинг бу сўзларини келтиришдан мақсад, ўзбек маърифаттрапварларининг “Таржумон” сингари газеталари таъсирида ХХ асрнинг бошларида пайдо бўлганлигини тасдиқлашдир. Тўғри, Туркистонда бошланган маорифпарвалрик ҳаракатини биргина “таржумон” газетаси билан боғлаш тўғри эмас. Шу йилларда шакллана бошланган маҳаллий зиёлилар “Вақт” ва “Таржумон” газеталари билан бирга

⁴² Каримов Н. ХХ аср бошларидаги тарихий вазият ва жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. Жаидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққийёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жаидчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1. Масъул муҳарир Д.Алимова. –Т.: Униеврситет, 1999. Б.

⁴³ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т: Маънавият 2002. – Б. 24.

⁴⁴ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Б. 31.

⁴⁵ Абдулла Авлониин. / Танланган асарлар. Т: Маънавият 2002. – Б. 16.

⁴⁶ Абдулла Авлониин. / Танланган асарлар. Т: Маънавият 2002. – Б. 16-17.

Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистон ва Мисрда нашр этилган газета ва журналларга ҳам муштарий бўлиб, уларни мунтазам равишда ўқиб турганлар.

Садриддин Айнийнинг “Қисқача таржимаи ҳолим” деган ҳасби ҳолида ёзишича, ёшлигидаги ўртоқларидан бири Ҳиндистонда форс тилида чиққан “Ҳабл ул-матин”, Мисрда форс тилида босилган “Чеҳранома” газетасини ҳам “қаерлардандир топиб келган”⁴⁷. Шу тарзда XX аср бошларида Туркистонга етиб келган тараққийпарвар газеталар Бехбудий, Мунавварқори, авлоний, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон синагри ёшларни дунёнинг бошқа мамлакатларида яшовчи халқлар ҳаёти билан, янги туғилган асрнинг маърифатпарварлик ғоялари билан таништиради. Худди шу йилларда Россия, Туркия ва Эронда содир бўлган инқилоблар ҳақидаги хабар ҳам шу нашрлар орқали Туркистонга етиб келди⁴⁸.

Модомики, юқорида номлари тилга олинган газеталар ёш авлоднинг кўзини очиб, унга XX асрнинг – ижтимоий силсилалар ва илмий-техник кашфиётлар асрининг кириб келганлиги ҳақидаги ҳақиқат билан ошно этган ва унинг дунёқарашида кескин ўзгариш ясаган бўлса, демак, мустамлака аройтида ягшаётган Туркистоннинг ўзида бундай газеталар йўқ эди. Шу биринчи фактнинг ўзиёқ Туркистонда ўша даврда ҳукм сурган ижтимоий, маданий ва маърифий муҳит ҳақида озми-кўпми тасаввур беради.

Аср бошларидаги турмушнинг турли манзараларини кўрган миллий зиёлилар “Таржумон”, “Вақт” синагри газеталарни ўқиганлаидан кейин уларни баргараф этиш йўллари қидирдилар. Исмоил Ғаспирали ўз газетаси орқали Туркистонда янги давр ғояларининг келишига имкон туғдирибгина қолмай, 1893 йили ўзи ҳам Самарқанд ва Бухорога келиб, Бехбудий, Шакурий сингари миллатнинг олди кишилари билан танишди⁴⁹, ҳатто

⁴⁷ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. / Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. Т: Ўздавнашр, 1963. – Б 26.

⁴⁸ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т: Маънавият, 2002. – Б. 19.

⁴⁹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Б 34.

Бухорода “усули жаид” мактабини очди⁵⁰. Секин-аста Самарқанд, Қўқон, Тошкент, Андижон сингари шаҳарл⁵¹ арда ҳам жаид мактаблари ташкил этила бошланди. Санокли бўлса-да, дастлабки жаидлар пайдо бўлди. Лекин бу мактаблар ва уларни ташкил жаидларнинг миллий уйғониш ҳаракати намояндалари сифатида шаклланиши осон кечмади.

Чор Россиясининг хуфяларидан бири, Эрон ва туркиядаги миллий озодлик ҳаракатлари ҳамда 1905 йили рус инқилобидан кейинги Бухоро аҳли тўғрисида бундай маълумотни берган: “Бухорода мадрасалар кўп бўлса-да, халқ ортиқ нодон, сиёсий фикр деган гаплар ҳеч ҳам йўқ. Русия инқилоби хафида ҳеч нарса англамайдурлар. Маълумоти бўлғонлари ҳам Русия инқилобини инқилоб деб билмайдурлар. Нима бўлса ҳам Бухорода ўзгариш эҳтимоли жуда узоқдур”⁵².

Шу хуфя Бухоро аҳлининг сиёсий савияси тўғрисида мулоҳаза юритиб, яна шундай ёзган: “Бухорода бозорларида учраша турғон қишлоқилардан дуруст маълумот ололмади. Сабаби эса, улар, биричидан, шаҳарга иш билангина келганларидан сўзлашиб ўлтиришўга вақтлари йўқдур. Иккинчидан, сиёсатдан гапиришга амирнинг хуфяларидан кўрқадурлар, чунки, амирнинг хуфялари ниҳоятда кўп бўлиб, сиёсий бир гап эшитсалар, ушлаб дарров зиндонга соладирлар”⁵³.

Сўнгги йилларда айрим тарихчилар ва айниқса журналистлар, ХХ аср бошларидаги тарихий вазият ва шарт-шароитнинг ана шундай ноҳуш манзарга эга бўлишига амир ва хронликларнинг ҳам айби катта эканлигини эътибордан соқит қилиб, улар фаолиятига ижобий баҳо бериш ва уларни халқ дарди биан яшаган кишилар қилиб тасвирлашда уринмоқдалар. Бу мутлақо

⁵⁰ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Б.34-35.

⁵¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Б.35.

⁵² Кўчирма куйидаги манбадан олинди: Каримов Н. ХХ аср бошларидаги тарихий вазият ва жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. /Жаидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жаидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б .30.

⁵³ Каримов Н. ХХ аср бошларидаги тарихий вазият ва жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. /Жаидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жаидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б .30.

нотўғри карашдир. Ўзларига тегишли тасарруфида мустабид тузумни ўрнатган бу давлат арбоблари халқни мустанлакачилар билан бирга эзиб, хур фикрли кишиларни даҳшатли равишда махв этиб келганлар. Ана шундай шароитда жадиждларнинг ўқув тизимни ислоҳ илиш, янги типдаги мактабларни очиш, халқни маърифатлаштиришга аратилган дастур билан чиқишлари, жаид мактаби, жаид матбуоти, жаид адабиёти ва жаид театрига пойдевор қўйишлари уларнинг улкан фукаролик жасоратларидир⁵⁴.

Ана шу тарзда жаидлар XIX асрнинг охирларида эмас, балки XX аср бошларида майдонга чиқдилар. Лекин уларнинг тарих сахнасида пайдо бўлишларида бояги икки омилнинг – тарихий-ижтимоий шароит ва даврнинг янги ғояларини оға сурган газеталари билан бирга, учинчи омил – Мукумий ва Фурқатлар бошлаб берган ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ҳам муҳим роль ўйнади. Аммо бу сўз уларнинг ҳам жаид бўлганликларини мутлақо англамайди.

Жаидлар пайдо бўлган илк кунлардн бошлабоқ, улар ҳам чор ҳокимияти, ҳам маҳаллий ҳукмдорларнинг қаршиликларига дуч келдилар. Бинобарин, улар халқни шу икки зулм ўчоғидан, шу икки қоқоқлик ботғоғидан халос этмоқчи бўлган эдилар. Абдулла Бадрий “Ёш бухороликлар кимлар?” деган рисоласида жаидларни кўзда тутиб, бундай ёзган эди: “Онларнинг фикру хаёллари ва муддаолари бюиз бечора ва қашшоқларни ғурбатдан, яъни амирлар, беклар ва бойларнинг зулмларидан озод илмоқ ва бизнинг роҳатимиз ва тинчлигимиз учун ҳаракат ва тараддуд қилмоқдир”⁵⁵.

Шундай қилиб, жаидчилик XIX аср охири – XX аср бошларидла Туркистонджа ҳукм сурган фавқулдда қоқоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий маданий ислоҳотлар ўтказиш, пировардида, миллий мустаилликғояларини ҳаётга тадби этиш масадини ўз олдиға қўйган ҳаракат

⁵⁴ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Б.38.

⁵⁵ Кўчирма куйидаги манбадан олинди: Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жаидчилик ҳаракатининг вужудға келиши. /Жаидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жаидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б .31.

сифатида, тарихий шарт-шароит ва тарихий взият тақозоси билан вужудга келди. Бу ҳаракат ўзининг шаклланиши йўлини босиб ўтар экан, аср бошларидан 1917 йил феврал инқилоби қадар бўлган биринчи босқичида, миллий озодлик ҳаракати сифатида узил-кесил расмийлашди⁵⁶.

Жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндаларини ёқтирмаган большевиклар бу ҳаракатни фақат маърифий ҳаракат деб баҳолаган ва уларни сиёсий калтабинликда айблаб келганлар. Жадидчилки ҳаркатининг улкан арбоблари ва ташкилотчиларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов 1927 йилда ёзган мақоласида большевиклар қўйган бу айбга: “Чор ҳукуматини йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазирамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ўлтириб насиё ёзадурған ходимлар етказсак. Бу ишга ақлли шу баҳони беришда у ёқ, бу ёқни мулоҳаза келсун”⁵⁷ дея жавоб ёзган эди.

⁵⁶ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Б. 41.

⁵⁷ Каримов Н. Кўрсатилган асар. – Б.33.

2. Ўзбек маърифатпарварларининг жамият тараққиёти хақидаги қарашлари

Туркистон маърифатпарварлари ўлкани, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ҳам ўзига қарашларга эга эди. Ўрта Осиё тараққийпарварлари ўз фаоиятлари давоимда ўлка халқларининг ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи, касб-кори, шарт-шароитларидан хабардор бўлганлар. Халқнинг аҳволи йилдан йилга оғирлашиб бораётганлигини, туркли касб эгалари ўз саҳаларининг етук мутахассиси эмаслиги сабали миллат келажаги йўлида фойда келтирмаётганликларини англадилар⁵⁸.

Уларнинг фикрича, мамлакатнинг иқтисодий мустақилигини, таъминламай туриб, сиёсий ва ҳуқуқий эркинликка эришиш мумкин эмас эди. Бунинг учун биринчи навбатда, ерни, ер ости ва ер усти бойликларини, сувни Туркистон халқларининг умумий бойлиги деб эълон қилиш, барча соҳаларни ривожлантиришга қодир маҳаллий кадрларни тайёрлаш, завод ва фабрикалар қуриб, маҳсулотларни ўлканинг ўзида ишлаб чиқаришни зарур деб билдилар⁵⁹.

Жадидлар кўплаб ёшларни ривожланган хорижий давлатларга, жумладан, Германияга ўқишга юбориш, у ерда улар таҳсил олиб келиб юрт ва миллат учун хизмат қилиш ғояларини илгари сурди. Уларнинг сай-ҳаракатлари билан маҳаллий аҳоли тмонидан ёшларни хорижда ўқиб келишига кетадиган харажатлари учун маблағлар йиғилди. Ўлкада ва хорижда савдо-сотик, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожининг қиёсий

⁵⁸ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Б.

⁵⁹ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. //Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б. 36-38.

таҳлилига бағишланган кўплаб мақолалар эълон қилдилар.

Жумладан, машҳур адиб, Бухоро жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири бўлган Садриддин Айний (1878-1954)нинг Туркистонни ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва жамият ҳаётини қай даражада яхшилаш мумкинлиги тўғрисида ўз фикр мулоҳазаларини айтиб ўтган. Олимнинг “Туркистон бойлиги”⁶⁰ номли мақоласи диққатга сазовор бўлиб, унда Туркистон ўлка саноатидаги қолоқлик, ривожланган мамлакатлар каторидан орқада қолаётганлиги, маҳаллий халқнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари таҳлил ва танқид этилади⁶¹.

Туркистонда замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш иқтисодий тараққиётнинг асосий омили сифатида қараганлигини кўриш мумкин. Айний Туркистон бойликлари масаласига бағишланган ушбу мақоласида ўлкадаги ер ости конлари хусусида сўз юритиб, “Чет миллат олимларининг излаб топғонлариға қарғанда бизам Туркистонда тош кўмир, темир, кумуш, олтун, ер мойи (нефть) ва бошқа ҳар хил маъданлар бор экан. Амрико халқи, немис ва инглизлар шул маъданлар орқасинда бутун ер юзинда энг бой одамлардан бўлғон ҳолда, бизлар фақир яшаймиз”⁶², деган фикрлари билан мамлакатда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини танқид қилган.

Тарихнавис олим бунинг биринчи сабабини халқнинг замонавий билимлардан беҳабарлигида, иккинчиси ўлкадаги тадбиркор бойларда

⁶⁰ Айний. С. Туркистон бойлиги. // Турк эли. 1917, 4 октябрь.

⁶¹ Қаранг: Турсунов Р. Н. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий – иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари. Тарих фанлари номзоди. дис. – Тошкент, 2008. – Б. 85 – 86.

⁶² Айний. С. Туркистон бойлиги. // Турк эли. 1917, 4 октябрь.

бирлик ва ҳамкорликни йўқлигида, деб билади. Муаллиф бу ҳолатдан чиқиб кетиш йўллари қидириб, миллатни бирлашишга ва давлат бошқарувини ўз қўлларига олишга даъват қилган. Ҳар ким ўз қобилияти етган иш билан шуғулланиши кераклигини уқтириб, “Диний уламоларимиз дини мубинимизни обод қилмоқ йўлида қувватларини сарф қилиб, сиёсат ва иқтисоддошлари бўлгон дунё юмушларини ўз аҳлларига топшурсалар, ёрдам қилсалар ва дунё ишларимизни аҳллари бўлгон муҳтарам зотларимиз дунёвий юмушларимизни ислоҳ қилишга жиддият ила киришсалар, иншооллоҳ тезликда ҳар хил мактаб ва ҳунарлар очсалар бизлар дарҳақиқат курраи арзини мусҳар қилгон бўлурдик”⁶³, деб ёзади Айний.

Шунингдек, Айний замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали саноатни янада ривожлантириш ва бунинг натижасида иқтисодий инқирозни бартараф қилиш мумкинлигини таъкидлаб, “Агар ишларимизни шул усулда қўйсак бир замон келурки, Туркистон бир бўстон ҳолига келур, зовудлар, фабрикалар, темир йўллар ва бошқа маданий корхонлар ила тўла бўладур”, дея орзу қилган⁶⁴.

Адибнинг фикрича, агар мавжуд ер ости бойликларини қазиб чиқариб, уни қайта йўлга қўйилса, биринчидан, ўлка саноати ривожланади ва хом ашёни четга чиқиб кетиш олди олинади, натижада олинadиган даромад миқдори ошади. Иккинчидан, эҳтиёж учун керакли бўлган барча маҳсулотларни шу ерни ўзида ишлаб чиқариш мумкин бўлиб, Туркистон бошқа мамлакатларга иқтисодий қарамликдан халос бўлади. Учинчидан, давлат хом ашё базаси эмас, балки, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланиб, ташки савдо ўсади. Бунинг натижасида туркистонликларни дунёдаги энг бой халққа айлантиради. Кўриниб турибдики, Садриддин Айний ўз вақтида тадбиркорликни йўлга қўйиш

⁶³ Айний. С. Туркистон бойлиги. // Турк эли. 1917, 4 октябрь.

⁶⁴ Айний. С. Туркистон бойлиги. // Турк эли. 1917, 4 октябрь.

орқали мамлакатни ривожлантириш ва уни сиёсий, иқтисодий қарамликдан олиб чиқиш мумкинлигини англаган эди.

Матбуот саҳифаларида жамиятдаги ижтимоий муаммолар танқид остига олинган булиб, шундай иллатлар сирасига аҳоли орасида ичкиликбозликнинг тарқалиши киради. 1872 йилгача Туркистон маъмурияти спиртли ичимлик сотувчи муассасаларнинг фаолиятини умуман чекламаган эди. Маҳаллий уламолар талаби билан 1872 йилда Молия вазирлиги Туркистон генерал-губернаторлиги билан биргаликда маҳаллий аҳоли истикомат қиладиган жойларда ичкилик ичиш хоналари очишни ман этган⁶⁵. 1873 йилда Туркистон генерал губернаторлиги Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига маҳаллий аҳоли яшайдиган жойлардаги бундай муассасаларни йопиш ҳамда аҳоли аралаш яшаётган жойларда уларнинг соини чеклаш ва "фақат русийзабон аҳолига етадиганини қолдиришни" таклиф этган.

1883 йилда "Туркестанские ведомости" газетаси саҳифасида чоп этилган мақолада маҳаллий аҳоли уртасида спиртли ичимлик ичиш тезлик билан тарқаетганлиги эътироф этилган. Газетанинг бошқа бир сониде таъкидланганидек русийзабон тадбиркорлар тезда бойиш мақсадида улқада спиртли ичимликлар ишлаб чиқараётгани ва "маҳаллий аҳолини ҳам рус ароғига ургатиш"га уринаётгани танқид қилинган"⁶⁶.

XIX аср 80- йилларининг бошларига келиб эса, уларнинг сони купайиб, фақат Сирдарё вилоятининг узида б9 та турли спиртли ичимликлар билан савдо қиувчи муассасалари борлиги ва у ларда энг паст сортли арОқлар сотилаётганлиги таъкидланган. Мазкур газетанинг 1885 йилги сониде келтирилган маълумотларга кура, 1878 йилда Туркистон генерал-

⁶⁵ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т: Университет 2002. – Б. 36.

⁶⁶ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. –Б. 38.

губернаторининг қарорига кура, улканинг асосан кучманчи аҳолиси куп истемол киладиган буза ичимлигининг таркибини текшириб куриш учун кимё лабораториясига топшириқ берилган. Бу текшириш натижасида буза ичимлиги таркибида инсон соғлиги учун зарарли булган моддалар йўклиги аниқланган. Шундан кейин Туркистон генерал-губернаторининг бу борадаги фармойиши эълон қилиниб, унда бузани тайёрлаш ва сотишга рухсат берилиб, фақат ҳарбий қисмлар жойлашган жойларга яқин ерларда уни сотиш ман қилинган⁶⁷.

"Туркестанские ведомости" газетаси уз саҳифаларида 1894 йилдаги ҳукуматнинг улкада буза ичимлигини акцизсиз сотиш ҳақидаги қондасини эълон қилган⁶⁸. Унга кура, уй шароитида тайёрланган бузани Тошкент, Самарқанд, "янги" ва "эски" Марғилон, Кўқон каби шаҳарларда шаҳар чегарасидан 1 О верст ичкарида, уезд шаҳарларида 3-1 О верст ичкарида сотишга рухсат берилган. қишлоқларда тайёрланган буза ичимлиги эса Фақат ишлаб чиқилган жойида ичилиши мумкин булиб, уни бошқа жойларда сотиш тақиқланган. Бундан ташқари, бузани тайёрлашда фақат буғдойдан фойдаланиш мумкин булиб, унга спиртли ичимликлар қушиш ва бошқа маст килувчи нарсалар қўшиш тақиқланган⁶⁹.

Газетанинг бошқа бир сониди Туркистонда спиртли ичимлик ишлаб чиқариш купайганлиги улардан олинадиган ерликлар мисолида курсатиб берилган. У нда ёзилишича, 1868 йилда бундай солиқлардан тушган пул миқдори 114 670 рублни ташкил этган булса, 1883 йилга келиб бундай

⁶⁷ Турсунов Р. Н. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий – иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари. Тарих фанлари номзоди. дис. – Тошкент, 2008. – Б. 85 – 87.

⁶⁸ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т: Университет 2002. – Б. 36-39

⁶⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1 жилд. Т: Шарқ 2001. – Б. 58.

соликлар 540 107 рублга етган эди. Бу даврда Тошкентда 1- гильдия савдогари А. Е. Громов, Н. И. Ивановнинг вино ҳамда пиво заводлари, Самарқандда Н. И. Ивановнинг пиво заводи ишга туширилган. 7 та вино заводидан ташқари, 1883 йилда 7 та мевалардан ароқ тайёрловчи завод булиб, уларнинг 2 таси Сирдарё вилоятида, 5 таси Зарафшон округида жойлашган.

Ушбу 14 та спиртли ичимлик ишлаб чиқарувчи заводлар хужайинларининг 12 таси христианлар ва 2 таси яхудийлардан иборат эди. 1883 йилда пиво ишлаб чиқариш 17 та заводда амалга оширилган, улардан энг яхши асбобукуналар билан жихозлангани савдогар Н. И. Ивановнинг заводи булиб, ундаги аппарат буг билан ишлаган. Ароқ ишлаб чиқарувчи заводлар улкада 6 та булиб, шундан 3 таси Тошкентда жойлашган⁷⁰. Умуман, бу даврда, газета маълумотларига Кура улкада тери заводларидан (365 минг рублдан ортик) кейинги уринларни вино заводлари (240 минг рублдан ошик), совун ишлаб чиқарувчи заводлардан (150 минг рублдан ортик) сўнг водка (ароқ) ишлаб чиқарувчи заводлар (147 минг рублдан) ва пиво заводлари (145 минг рублдан ошик) турарди⁷¹.

1906 йилда "Туркистон вилоятининг газети"да чиққан мақолада муаллиф ичкиликнинг маҳаллий аҳоли орасида тарқалиб кетаётгани ҳақда ёзар экан, унинг зарарли томонлари тугрисида батафсил маълумотлар

⁷⁰ Турсунов Р. Н. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий – иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари. Тарих фанлари номзоди. дис. – Тошкент, 2008. – Б. 88.

⁷¹ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадиличлик ҳаракатининг вужудга келиши. /Жадиличлик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадичилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б

берган⁷². Муаллиф, биринчидан, ичкилик ичиш шариатга хилоф эканлигини, иккинчидан, унинг моддий зарари. айниқса, камбағалларга зарарлиги, учинчидан эса, ичкилик ичган одам узига касаллик орттириб олиши мумкинлиги, туртинчидан, арок ичган кишининг акли узига буйсунмай, гуноҳ ишлар қилишга олиб келишини мисоллар билан кўрсатиб берган эди.

Бундан ташқари, ичкилик ичиш зурриётга ҳам ёмон таъсир қилиши ва насли бузилишига олиб келиши таъкидланиб, уша даврда утказилган тадқиқотлардан мисоллар келтириб, ичкиликнинг зарарли томонларини аҳолига тушунтиришга ҳаракат қилинган. Европада уша даврда утказилган тадқиқотларини мисол қилиб келтирилган, унда айтилишича, ичкиликка мубтало булган ва 1828 йилда 50 ёшида вафот этган америкалик бир аёлнинг авлоди текширилган. Унинг натижаларидан маълум булишича, бу аёлнинг авлоди 800 кишидан иборат булган⁷³.

700 таси ҳар хил гуноҳ ишларни амалга ошириб, жазога гирифтор қилинган. Уларнинг ичида 342 нафари доимий равишда маст ҳолда юрганлар ва 127 нафари фоҳиша хотинлар, 37 нафари эеа қотил булиб, бунинг учун улар жазоланган⁷⁴. Мақолада маҳаллий аҳоли ҳам ичкиликка ружу қуйиши Оқибатида турли жиноятларни, шу жумладан, қотилликни амалга ошираётгани мисоллар билан курсатилган. 1913 йилда "Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларида Мирмуҳсин "Тафаккур билан куз очсақ ҳар жиноятларнинг онаси ичкилик кУринур... Аксар ёшларимиз косиблар булиб. бечоралар кечалари, кундузлари тинмай бир ҳафта бадалида ишлаган ақчаларини ... жума куни чиқиб, ичкиликка сарф этиб азиз умрларини

⁷² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1 жилд. Т: Шарқ 2001. – Б. 59.

⁷³ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т: Университет 2002. – Б. 36.

⁷⁴ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Б. 39.

сайёқликда утказмоқда барчанинг маълумидир"⁷⁵,- деб таъкидлаган ва ичкиликдан тийилишни маслаҳат берган.

Аксинча, баъзи газеталарда чоп этилган мақолаларда эса маҳаллий аҳолининг асосий қисми спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслиги қайд этилган. Хусусан, 1896 йилда "Окраина" газетасида ёзилишича, маҳаллий аҳоли пиртли ичимликларни истеъмол қила бошлаган булса-да, шариатда унинг тақиқланиши ва жамоатчилик эътирози тугайли ичкиликбозлик хавфи даражада тарқалиб кетмаган ҳамда аҳолининг асосий қисми ичкилик истеъмол қилмаган. Унда таъкидланишича, баъзи кишиларнинг "сартларни руслаштириш учун эски шаҳарда бир қанча қаҳвақхона ва ароқхона очиш етарли" деган ҳазил маъносидаги гапларига эътибор қаратиб, улка шаҳарларидан бирида уз даромадини купайтириш мақсадида бир пивоқхона эгаси маҳаллий аҳолига дастлабки пайтларда бепул пиво тарқатиб, уларни уз миқозига айлантиргандан сунг, уларга бепул пиво тарқатишни тугатиб, уз мақсадига эришганлигини қайд этган⁷⁶.

Газета таҳририяти эса ичкиликбозликни тарқатмасдан, балки уни бартараф этиш зарурлигини таъкидлаган. Мазкур муаммо ҳам, асосан, рус ва Узбек тилидаги расмий матбуот органларида кутарилган мақола муаллифлари турли касб эгалари булиб, улар орасида шифокорлар ҳам мавжуд эди. Улар газета орқали маҳаллий аҳолига ичкиликнинг зарарли томонларини тушунтиришга ҳаракат қилганлар⁷⁷. Шунингдек, баъзи мақолаларда спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни

⁷⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустанлақчилиги даврида. 1 жилд. Т: Шарқ 2001. – Б. 61.

⁷⁶ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустанлақчилиги даврида. 1 жилд. Т: Шарқ 2001. – Б. 62.

⁷⁷ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон, 2008. – Б. 32.

сотиш билан машгул булган қовоқхоналар томонидан давлат хазинасига туланаётган солиқлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилган⁷⁸.

Туркистон маҳаллий аҳолиси орасида тарқалган ижтимоий муаммолардан бири туй ва маъракаларга ортиқча сарф-харажат қилиб, исрофгарчиликка йул қуйилаётганлиги эди. Бу муаммо ҳам жамият ҳаётининг кузгуси булган матбуот, айникса, миллий матбуот саҳифаларида каттик танқид остига олина бошланди. Хусусан, 1906 йилда Туркистон вилоятининг газети"да туйлардаги ҳаддан зиёда исрофгарчиликлар, шароитига қарамай туй утказиш Оқибатида одамлар қарзга ботиб қолаётгани, қарздорлар бор мол-мулки ва еридан ажралиб қолаётгани ҳақида фикр юритилади. Унда ёзилишича "Бир қанча бойларимиз ҳаддидан зиёда туйлар қилиб, ҳар бир одамга бекасам, мовут, сатин ва бошка қимматбаҳо тунлар қийғизиб, халқни хайрон қилди. Кейин сағал кун утмасдан узлари хайрон булиб қолдилар, туй утказгандин бир ойдан сунг синиб, беобру буладурлар"⁷⁹.

Туркистон жаҳидчилик ҳаракатининг раҳбари, буюк тараккийпарвар Маҳмудхужа Бехбудий "Бизни кемирувчи иллатлар" номли мақоласида халқни кемирувчи ҳақиқий иллат туй ва маъракалар бутун Туркистон шаҳарлари ва қишлоқларини қамраб, халқни инқирозга йуналтираётганини, қунига 18-20 соат меҳнат қилиб, емай-ичмай. дам олмай, бошқалардан зиёдрок туй қилишни мақсад қилишиб, унинг натижасида қанчадан- қанча қишилар ишпаб туплаганини бир-икки кунда совуриб, яна қарз-ҳавола қилиб, бор буд-шудидан айрилганлиги таъкидланган. Бехбудий қарздорларнинг

⁷⁸ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон, 2008. – Б. 32.

⁷⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1 жилд. Т: Шарқ 2001. – Б. 59.

аччик кисмати ҳақида ёзар экан, қарздан кутулиш учун улар ер ва ҳовлиларини сотишга мажбур бўлаётганлари, бу ҳолат яна 20-30 пил давом этса, ер ва ҳовлилар ажнабийларга утиб, аксар халқимиз -адойлик даражасига тушиб қолишига ачинади.

"Туркистон вилоятининг газети"да бундай аянчли аҳволга туши б колмаслик учун кизларнинг ота-оналари куёвнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда туй белгилашга ва куёв қарздор бўлиб қолишига йул кўймасликка даъват этилиб "Эй, ота-оналар ва қиз етимлар омонатдорлари, инсоф қилиб мазлумаларни тириклай ёндирмангизлар"⁸⁰, - деб таъкидланади. Матбуотда туй харажатлари ҳақда статистик маълумотлар ҳам келтирилади Уша давр маълумотларида келтирилишича, уртача ҳисобда камбағаллар туйга 200 сумдан 1000 сумгача сарфлаганлар, бойлар эса туйларга беш-ун минг сум харажат қилганлар⁸¹.

Уйланиш учун қарз олиб, хонавайрон бўлган ва беватан қолган одамлар жамиятнинг ҳақиқий муаммоларидан бирига айланган эди. Туркистонни тараққиёт йулига бошлашни ният қилган юрт фидойилари жадиждлар бу муаммоларни кутариб чиқиб, халқнинг онгига етказишга ҳаракат қилганлар. Туй ва маъракапардаги ортиқча сарф- харажатлар ҳамдиний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан зарар эканлигини яхши англаган жа- дид тараққийпарварлари туй маросимларини исрофгарчиликка йул кўймасдан, кичик қилиб утказиш ва ортиқча пулларни болаларни Уқитишга сарфлашга даъват этадилар⁸².

⁸⁰ Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. 1999 йил, 16-19 сентябрь. Т: Маънавият 2001. – Б. 38.

⁸¹ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон, 2008. – Б. 32-33.

⁸² Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Б. 35

Бу пулларни ёшларнинг Миср, Туркия, Россия Дорилфунунларига Уқишга кириб, диний ва дунёвий билимларни эгаллашлари учун сарфлашга чақирганлар, миллат ёшларидан жамият тараққиёти учун хизмат қиладиган турли касб эгаларини, ҳуқуқшунос, инженер, муаллим, тижоратчилар ҳамда банк ходимлари тайёрлашга ундайдилар. М. Бехбудий шу пуллардан болалар учун тарбиятхона (пансион) очишни таклиф этади⁸³.

Миллий матбуот саҳифаларида миллат учун зарарли булган бундай иллатлар тез-тез танкид остига олиб турилади ва халқ миллат манфаати учун хизмат килишга даъват этилади. Уша давр газеталаридан бирида миллий жаридаларимиз давом этиб турса, бу бидъатларимиз ҳам йўқ булиб кетар, деб миллий матбуотдан катта умид қилинган. Айникса, 1914-1915 йилларда чоп этилган "Садои Туркистон" ва "Садои Фарғона" газеталари бу борада ўткир фикрлар билдиради⁸⁴. "Садои Туркистон" газетасида кўрпасига караб оёқ узатмасдан туй ва бошқа маракалар ўтказилиши халқнинг жаҳолатда қолишининг асосий сабабларидан бири сифатида курсатилади ҳамда бундай харажатларни болаларни усули жаҳид мактабларида ўқитишга уларга илм ва ҳунар беришга сарфлашга даъват этиш бир неча бор такрорланган эди⁸⁵.

"Садои Фарғона" газетасининг саҳифаларида бундай туй ва маъракалар ўтказиш илмсизлик натижаси эканлиги, дунёнинг ҳеч бир миллатида бу ҳол учрамаслиги, бундай ҳолат қуръон Карим ва ҳадиси шарифга мутлақо зидлиги алоҳида таъкидланади. "Садои Туркистон" саҳифаларида ҳам қуръони Каримда исрофга рчиликка йул қуйиш катъий ман қилиниши

⁸³ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон, 2008. – Б. 41

⁸⁴ Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жаҳидчилик, мухториятчилик, истиклолчилик). Халқаро конференция материаллари. 1999 йил, 16-19 сентябрь. Т: Маънавият 2001. – Б. 23.

⁸⁵ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Б. 39.

эътироф этилган⁸⁶. Туркистон таракқийпарварлари фақат даврий матбуотда бу ҳақда ёзмасдан, балки амалда ҳам туй ва маъракалар ислоҳини куллашга ҳаракат қилган эдилар. Чунончи, 1909 йилда Махмудхужа Бехбудий Маъсудхужа Мақсудхужа исмли ўғлига хатна туйи килиб, унда 1000 рублдан кам пул сарфлаганлигини газетадан уқиш мумкин. У туйга кетадиган ортиқча сарф-харажат урнига, Самарканддаги кутубхонага Россия ва Туркиядан китоблар харид қилган эди⁸⁷.

1909 йилда "Туркистон вилоятининг газети"да М. Бехбудий утказган туйга Самарканд ахлининг муносабати икки хил булганини ёзар экан, баъзилар М. Бехбудийдан урناق олиш кераклигини таъкидласа, бошқалар унинг бойлиги ва ўбрусини ҳисобга олиб, камида 2000- 3000рубл сарфлаши керак эди, деб уни танкид қилганини ёзади. Бу мисол жаид таракқийпарварлари бу бидъатга қарши курашда ҳам урناق булганлигини ва миллат манфаатини кузлаганлигини курсатади. Бундай ҳолатлар ҳақида матбуотда бошқа маълумотлар ҳам учрайди. Мунаввар Алифкор ўғлига хатна туйи утказишда сарфхаражатни камайтириб, унинг урнига мактаб қурдирган.

Шунингдек Мирзо Ҳамдам Оғоликов ҳам марҳум оталари томонидан таъмир қилинган масжиддаги мактабни янгича усулда қуришга киришган. 1914 йилда наманганлик бойлардан Исҳоқжон Мирсолиҳбой ўғли фарзандига хатна туйи қилишда тужжорлар (савдогарлар) билан маслаҳатлашган ҳолда туйга сарфланадиган пулдан 2000 рублини мактаб уқувчилари учун мевалик боғ яратишга ва мактаб эҳтиёжларига сарфлашга

⁸⁶ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. /Жаидчилик: ислоҳот, янгилик, мустақиллик ва таракқиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жаидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б.

⁸⁷ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон, 2008. – Б. 42

қарор қилган⁸⁸. Чунончи, бу йилларда Наманганда туйларда тун кишдириш одати йўқотилганлигини газета маълум қилади. Туйлар ислоҳи ҳақидаги бундай хабарлар "Садои Фарғона" газетаси таҳририятига тез-тез келиб турган. Шундай хабарлардан бирида айтилишича, 1915 йилда Қуқон тужжорларидан Ҳожи Муҳаммадjon ва мулла Юсуф Аттор беш-олти нафар одамни чақириб, бир товоқ ош ила зиёфат қилиб, ўғилларини хатна қилганлар⁸⁹.

Туркистон жадиidlари фақат матбуот орқали эмас, балки театр курунишлари орқали ҳам туй ва маъракалардаги исрофгарчиликларни, уларнинг моддий ва маънавий зарарларини курсатишга ҳаракат қилганлар. 1915 йилда Тошкент ва Наманган кунгилли театр ҳаваскорлари тарафидан Ҳожи Муиннинг "Тўй" номли фожеавий сахна асари қуйилиб, "Садои Фарғона" газетаси хабарига кура, Халқ бу томошани мамнуният билан томоша қилган.

Шуни айтиш лозимки, бу даврда Туркистоннинг баъзи бой кишилари туйга муносабатларини узгартира бошлашган. Масалан, Тошкентлик Саидазимбой "мева туй"ни бекор қилди, яъни туйда қуруқ мевалар тарқатилишини бекор қилди. Н.С.Ликошиннинг ёзишича, XIX асрнинг охиригача мушакбозлик билан туй қилишган булса, савдогарлар туйдан кейин алоҳида "савдогар туй" утказишган булса, XX асрнинг бошига келиб бу одатлар барҳам топди⁹⁰.

Аммо газеталарда дабдабали туй қилувчиларга тарафдор булган

⁸⁸ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Б.65.

⁸⁹ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадиdчилик ҳаракатининг вужудга келиши. /Жадиdчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараккиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадиdчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б.

⁹⁰ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон, 2008. – Б. 46.

кишиларга ҳам сўз бериб борилган. Хусусан, "Садои Туркистон" газетасининг хабар беришича, Тошкентнинг катта бойларидан Кори жаноблари ўғилларининг суннат туйига шаҳарнинг 4 даҳасидан 5000 га яқин одам чақирган ҳамда уч кунгача ош берган⁹¹. Хабар муаллифининг "Бир неча миллий туйга қарши турувчилар сузига қулоқ бермай, бундоғ ишларни давом эттирувчи бойларимизга ҳиммат этмай ўта олмайман"⁹². - деб ёзган фикрлари матбуотда тараққийпарварларнинг дабдабали туйларга қарши даъватларига зид фикрларни билдирувчи хою ҳавасга берилган кишиларга ҳам ўрин берилганлигидан далолат беради.

Матбуот саҳифасида улкадаги баъзи муаммолар. хусусан, маҳаллий аҳоли орасида тарҳалаётган ичкиликбозлик шунингдек туй ва маъракалардаги исрофгарчиликлар каби муаммолар кутарилишида тараққийпарвар жадидларнинг роли катта эди. Улар бу иллатларга барҳам бериб, маблағларни беҳудага эмас, балки миллат тараққиёти йулига ёшларга илм бериш учун сарфлашга қўлган даъватлари, айниқса, эътиборга лойиқ эди. Бундан ташқари, миллий тараққийпарварлар бу борада шахсан узлари урнатилганлари ҳам газета материаллари таҳлилидан маълум булади.

⁹¹ .А.Алимова. Историческая мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркистана. Т.1996. – С. 25.

⁹² .А.Алимова. Историческая мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркистана. Т.1996. С. 32.

3. XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварларининг сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш учун кураши

Туркистон 1917 йилда муҳим сиёсий ўзгаришлар арафасида турарди. Минтақа халқлари Россиянинг 50 йиллик мустамлака – чилик зулмига қароши тинимсиз равишда миллий-озодлик курашини олиб бордилар. Дастлаб маърифатпарварлик ҳаракати сифатида вужудга келган жадиदчилик Туркистон тақдири ҳал қилаётган бу паллада ўзбек халининг ғоявий жиҳатдан бирлаштирувчи куч сифатида майдонга чиқди.

Жадидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар, вужудга келаётган рус сиёсий партиялари дастурларини ўргандилар. Лекин миллий минталитетнинг ўзига хос хусусияти бўлган ўзбек халқининг тинчликсеварликка, босиқликка мойиллигидан келиб чиқиб, улар тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг муурожаатлари, Давлат Думасидаги оммавий баҳслар ва бошқа легал воситалар билан подшо ҳлкимиятидан ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ён беришга эришишга интилдилар. Аммо чоризм маъмурияти Давлат Думмасида туркистонлик вакиллар бўлишини ман этган.

Бу, бир томондан, ўлка халқининг ҳуқуқлари ва кадр-қимматини поймол қилиш бўлса, иккинчи томондан, уларнинг сиёсий онгини ўсиши Россия империяси давлатчилигига хавф туғдирар эди. Ўшандаёқ жадидлар, Маҳмудхўа Бехбудийнинг 1906 йил 11 октябрда “Хуршид” рўзномасида чоп этилган мақоласида ўз аксини топган хулосага, яъни бирлашиб ягона мусулмон партияси тузиш ва Бутунроссия мусулмонлари иттифоқи таркибига кириш зарурлиги ҳақидаги фикрга келдилар⁹³.

⁹³ Алимова Д. Жади́дчи́лик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури. /Жади́дчи́лик: ислохот, янгилаиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.

Шу билан улар Россиядаги барча туркий халқлар орасидаги прогрессив кучларга таянишга интилдилар. Тарихчи олима Д.Алимованинг айтишича, ушбу мақоласида Бехбудий социал-демократлар партиясига нисбаттан ўзининг салбий муносабатини билдиради. У бу партиянинг дастурини мусулмонлар ҳаёти нормаларига мувофиқ келмайдиган ҳаёлийдир, деб ҳисоблаган⁹⁴.

Ўзбек маърифатпарваарларига сиёсий ҳаётни ислоҳ фқилши учун Туркия ва 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилоблари сезиларли таъсир кўрсатди. Бу мамлакатлардаги миллий зиёлилар вакиллари монарх ҳокимиятининг конституцион доирада чекланишига, миллий буржуазиянинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни кўлга киритишга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қилиб қўйганлар. Бироқ уларнинг тажрибалари туркистон жаидлари томонидан сеҳаник тарзда кўчириб олинмади. Улар Шарқ ва Европа мамлакатларининг мустамлакачилликка қарши кураш ҳамда демократик ҳаракат амалиётидан ўлка шароитларига мувофиқ келувчиларини танлаб олдилар, шароитга тўғри келмайдиганларидан воз кечдилар ёки бир оз ўзгартириб қабул қилдилар.

Февраль инқилобининг рус империясини ларзага келтириб, Россияда уч юз йил ҳукмронлик қилган Романовлар сулоласини тарих саҳнасидан қувиб чиқариши лоқайдлик ва умидсизлик ҳолатида яшаётган Бехбудийни уйғотиб юборди. У яна Самарқанднинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок эта бошлади ва Самарқанд мусулмонлар ижроия кўмитасининг иккинчи раиси этиб тайинланди. У шу лавозим тақозоси билан ҳатто Бухорога бориб,

(Туркистон ва Бухоро жаидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б.39.

⁹⁴ Алимова Д. Кўрсатилган мақола. – Б. 39.

тараккийпарвар кучларга муайян ҳуқуқлар берган амирни табриклаб келди⁹⁵.

Аммо давр ўзгариб, ижтимоий ҳаёт сахнасида янги-янги кучлар пайдо бўла бошлади. Шундай кучлардан бири Мухторият дастури лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни 1917 йил августида «Кенгаш» газетасида эълон қилди. Бу лойиҳа Туркистондаги таниқли сиёсий арбоблар, ҳуқуқшунослар ва уламолар иштирокида тузилган бўлиб, улар орасида Бсхбудий ҳам бор эди. Аммо Туркистон ўлкасини демократик янгилаш ғояси мутаассиб ва қолоқ фикрли кишиларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Мусулмон жамияти мазкур кураш натижасида икки гуруҳга ажралиб кетди. Бу, большевикларнинг яқинлашиб келаётган инқилоблари олдида фожиавий ҳолатни вужудга келтирди. Кўп ўтмай, большевиклар Тошкентда ҳокимиятни қўлга олишга муваффақ бўлдилар⁹⁶.

Миллатнинг тараккийпарвар кучлари 1917 йилнинг 26 октябрида Қўқонда тўпланиб, Ўлка мусулмонларининг ИВ фавкулудда қурултойини ўтказдилар. Бир неча кун давом этган қурултой Туркистон Мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон қилди. Қурултойда ҳукумат аъзоларидан ташқари, Халқ мажлиси аъзолари ҳам сайланди. Мазкур аъзолар орасида Бсхбудий ҳам бор эди. Туркистон Мухторият ҳукуматининг ўрнатилиши Бсхбудийнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди. «27 ноябрда Хўқонда, - дсб ёзди у «Туркистон Мухторияти» сарлавхали мақоласида, - Туркистон Мухторияти умумий мусулмон съездиға эълон қилинди. Муборак ва хабарли бўлсун! Камина ҳам мажлисида бўлиши учун ифтихор этаман.

⁹⁵ Алимова Д. Историческая мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркистана. Т.1996.- С. 36.

⁹⁶ Алимова Д. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури. / Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва таракқиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б.38.

Яшасун Туркистон Мухторияти!»⁹⁷.

Чор мустамлакачиларининг ворислари бўлмиш большевиклар Туркистон Мухторият ҳукуматининг ўрнатилганидан мутлақо манфаатдор эмасдилар. Буни яхши билган Бехбудий «Бизга ислоҳ керак», «Хақ олинур, берилмас!», «Қозоқ қардошларимга очиқ хат», «Ёшларга мурожаат» сингари публицистик мақолалар ёзиб, тараққийпарвар миллий кучларни бирлашишга ва Туркистон Мухторият ҳукуматини ҳимоя қилишга даъват қилди. Лекин кучлар тснг эмас эди. 1918 йилнинг 19 февраль куни Туркистон ўлка ҳарбий комиссари С.Перфильев бошчилигидаги яхши қуролланган Қўқонни 12 замбаракдан ўққа тутиб, Мухториятни ҳам, Қўқони латифни ҳам қонга ботирди. 1918 йилда Бехбудий «Иттифоқ» жамиятининг саъй-ҳаракати билан мусулмон маориф шўбасига мудир этиб тайинланади Бехбудий истефога чиқишга мажбур бўлади⁹⁸.

Бехбудийнинг уз одатига ҳилоф равишда муаллимлар билан учрашувга бормаслигининг сабаби Тошкент сафарининг бирор натижа билан тугамаганида эди. У Тошкентда ҳам, худди самарқанддагидек, ҳамма нарсага ўзга юртлардан келган кимсаларнинг раҳбарлик қилиб, маҳаллий кадрларни сариқ чақага олмаётганини кўрди. Унинг Қалбида февраль инқилоби ва Туркистон Мухторияти туфайли уйғонган умид ниҳоллари ҳали яшил барглар ёзиб утурмасдан хазон булган эди. Бу ҳол айни пайтда унинг соғлигига салбий таъсир кўрсатган эди.

Бу узига хос “лирик чекиниш”дан сўнг яна Хожи Муиннинг хотирасини ўқишда давом этсак: «Шундан сўнгра ҳеч бир кишига онглатмасдан маслакдош ва фикрдошлари мулла Мардонкул Шохмуҳаммад ўғли, Муҳаммадкул Уринбой ўғли билан 25 март ойинда 1919 йил асрорангиз

⁹⁷ Каримов Н. Маҳмудхўжа Бехбудий. Т: Ўзбекистон 2011. – Б. 23.

⁹⁸ Каримов Н. Маҳмудхўжа Бехбудий. Т: Ўзбекистон 2011. – Б. 26.

бир суратда Самарқанддан ғойиб бўлди. Орадан бир hafta ўтгандан кейин буларнинг Карши йўли билан сафарга чиққанлари, қарши шахрида Бухоро ҳукумати тарафидан ушланиб ҳибсга олинғонлари, ҳатто шахид бўлғонликлари шойиъ бўлди. Шундан сўнгра мухталиф (хилма-хил) хабарлар кўп эшитилди. Шунинг ила баробар Самарқанд аҳолиси буларнинг шахид ўлғонликларини занни (тахмин) ила инониб маросими таъзия ва қадрдонини ёд этмокчи булди”⁹⁹.

Февраль инқилобининг рўй бериши ва чор ҳокимиятининг ағдарилиши билан у ўзининг пировард сиёсий мақсади – мустақил давлатни барпо этиш гоёсини амалга оширишга киришди. Лекин, бу ҳаракат кучли ва бирлашган партия ё ташкилотга эга бўлмаганлиги ҳамда халқ оммасини ҳали уйғонта олмаганлиги сабабли, унинг мустақил ўзбек давлатини барпо этиш режасини рўёбга чиқмади. Ҳали оёққа туриб улгурмаган ёш Туркистон мухторияти ҳукуматини шўролар давлати гўдаклик пайтидаёқ мажақлаб ташлади¹⁰⁰.

Айний ўзининг “Бухоро манғит амирлари тарихи” асарининг “Октябр инқилоби, Бухоро ҳукумати ва Ёш бухороликлар” бўлимида¹⁰¹, Октябрь инқилобининг Бухорога таъсири, амир ҳукуматининг бундан фойдаланиб, қандай йўл тутганлиги ва ёш бухороликлар билан муомаласи, ёшлар бу сиёсий вазиятларда қандай йўл тутганликлари ва бошқалар тўғрисида фикр билдириб ўтган¹⁰². Ундан маълум бўлишича, Октябрь инқилобидан кейин Бухоро ҳукумати жаидларга қарши жиддий ҳаракатларни олиб борган. “Шўройи ислом”га аъзо бўлган ҳар бир кишини бир баҳона билан ҳибс этади. Масалан, ёш бухороликларнинг “Шўройи ислом” ташкилоти аъзоларидан бўлган Абдухалилбек ва Ҳусайнхожалар, Бухоро шахрининг Сузангарон

⁹⁹ Ҳожи Муи. / Танланган асарлар. Т: Маънапвият 2002. .- б. 23.

¹⁰⁰ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. /Жаидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жаидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б .32.

¹⁰¹ Айний С. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. – Б. 123.

¹⁰² Айний С. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. – Б. 123 – 126.

гузарида яшовчи дўстлари Шарифнинг уйида амирнинг одамлари томонидан ўлдирилган¹⁰³. “Бухоро ҳукумати Октябрь инқилобидан кейин ўзини мустақил санар эди. Лекин, бу истиқлолдан фойдаланиб мамлакат таъмири ва ободлиги йўлида бирон – бир иш қилмади”¹⁰⁴, - деб қайд этади Айний

Ёш бухороликларнинг ташкилоти ичида турли гуруҳларнинг борлиги, карашларнинг хилма-хиллиги туфайли ягона дастур тузилишига эҳтиёж туғилади. Муҳиддин Мансуровга топширилган Марказий қўмита ишонччи оқламагандан кейин янги тартибдаги аъзоларни сайлаш, бу билан ташкилотни жипслаштириш керак эди. Марказий Қўмита ягона дастур тузиш вазифасини Абдурауф Фитратга топширади¹⁰⁵. Фитрат эса бу пайтда Самарқандда чиқаётган “Хуррият”¹⁰⁶ газетасининг бош муҳаррири бўлган.

Тарихчи олим Ф.Хўжаев “Бухоро инқилобининг тарихига материаллар” асарида бу масалани қуйидагича изоҳлаб ўтади: “Фитрат Самарқанддан келгандан кейин икки ҳафта ўтиши билан ташкилотда қолган аъзоларнинг ялпи мажлиси бўлиб, янги марказ тузди, ул жадинчиликдан қолган меросларни, шунингдек, унинг тор маданият рамкаси ичига сиқилиши ва сиёсатда саботсизлигини ҳам йўқотди. Бугунги жадин фирқаси жойида ёш бухороликлар фирқасини тузиш, унинг програмасини тайёрлаш ишлари бошланди”¹⁰⁷.

Янги тузилган Марказий қўмитанинг аъзолари қуйидаги кишилардан иборат бўлган: раис Абдулвоҳид Бурҳонов аъзолар: Ф.Хўжаев, Раҳмат Рафик, Фатҳулла Хўжаев, Фитрат, Тагиев, Фазлиддин Махзум, Мусо

¹⁰³ Айний С. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. – Б. 126.

¹⁰⁴ Айний С. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. – Б. 123 – 124.

¹⁰⁵ Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б. 106.

¹⁰⁶ **Хуррият** – 1917 йилнинг 16 – апрелидан Самарқандда чиқа бошлаган ижтимоий-маърифий газета. Дастлаб газетанинг масуъл муҳаррирлигига Мардонкули Шомухаммадзода тайинланган. Бир муддат Ақобир масуъл муҳаррир бўлган. Газета 500 – 1000 дона орасида босилган. Абдурауф Фитрат Хуррият газетасининг 24 – 74, 82 – 87, сонларига муҳаррилик қилган. Шунингдек, ўзининг тули мавзудаги илмий, адабий мақолалари билан қатнашиб турган. Хуррият газетаси вақтдаги моддий қийинчиликлар туфайли 1918 йио 87 – сонидан тўхтаб қолган.

¹⁰⁷ Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б. 101.

Саиджонов, Оғдаров, Усмон Хўжаев, Атоулла Хўжаев, Ҳожи Мирбобев¹⁰⁸ (Мухсинзода)¹⁰⁹. Уч ойдан кейин Фатхулла Хўжаев ўрнига Муин Аминов киргизилган¹¹⁰.

Марказий кўмита Фитрат томонидан 1918 йилнинг январида ёзилган ёш бухороликлар партиясининг янги дастурини тасдиқлайди ва уни “Бухоро ислохот лойиҳаси” сифатида 1918 йилнинг ўзида алоҳида китобча ҳолатида эълон қилади¹¹¹. Ф.Хўжаев “Бухоро инқилобининг тарихига материаллар” асарининг “Фитрат томонидан ишланган ва ёш бухороликларнинг Марказий кўмитаси томонидан тасдиқ қилинган ислохот лойиҳаси” бўлимида, Фитрат томонидан тайёрланган “Бухоро ислохот лойиҳаси” дастури ҳақида батафсил тўхталиб, уни имкони борича таҳлил этиб ўтади¹¹².

Унда маълум бўлишича, дастурда мамлакатда конституциявий монархия ўрнатиш, Бухоронинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мустақиллигини тامينлаш, маданий тараққиёт, деҳқончилик ва солиқ тизими масалаларига алоҳида эътибор қаратилган¹¹³. Шунингдек, замонавий армия ташкил этиш, икки йиллик мажбурий ҳарбий хизматни жорий қилиш, давлат ҳисобидан мактаблар ва олий ўқув юртлирини очиш, ўнта вазирлик: “Вақф ерлари”, “Аскарлик”, “Молия ишлари”, “Доҳилия ишлари”, “Шаръий маҳкамалар”, “Забтия ишлари”, “Йўллар ва маъданлар”, “Хорижий ишлар”, “Маориф ишлари”, “Вазирлик мажлиси”, “Баладий (шаҳар бошқармалари) мажлислари”, “Тергов этмак ишлари”дан иборат Вазирлар Кенгаши тузиш таклиф этилади¹¹⁴.

¹⁰⁸ Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б. 103.

¹⁰⁹ Айнй С. Таърихи инқилоби фикрй дар Бухоро. – Б. 36.

¹¹⁰ Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б. 103.

¹¹¹ Қаранг :Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б. 106; Маннонов Б ва Остионова Г. Ёш бухороликлар ҳукуматининг “Бухоро ислохот лойиҳаси” ҳақида. / Шаршунослик, № 12. Т: Фан, 2004. – Б. 131-140;

¹¹² Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б. 107.

¹¹³ Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б. 107.

¹¹⁴ Маннонов Б ва Остонова Г. Ёш бухороликлар ҳукуматининг “Бухоро ислохот лойиҳаси” ҳақида.// Шаршунослик, № 12. Т: Фан, 2004. – Б. 131-140; Абдулла Бадрий. Ёш бухороликлар кимлар?. Ёш бухороликларнинг Маскав комитети. – Москва: Пятницкая, 13. 5 – ая Типография бывш. “Восточная” Печать, 1919. – Б. 8 – 9.

4. XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварлари фаолиятининг натижалари ва тарихий сабоқлари

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркистон заминидagi энг илғор фикрли зиёлилар онгида пайдо бўлган миллий уйғониш маърифатчилиқда яққол намоён бўлди. Янгича маърифатчилиқнинг илк жарчилари бўлган жадиждлар кенг миқёсли амалий фаолиятлари билан ўз ғояларининг жамият ҳаётида мустақамалниб барқарор бўлиши, охир пировардида милдлий озодлик, сиёсий мустақиллик курашларига ўсиб ўтиши учун замин ярата бошладилар. Бу давр Туркистонда ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожидида янги босқич эди эди. Ана шу босқичда ерли халқнинг маданий-маърифий ҳаётида шу қадар кўшп ўзгаришлар юз юердики, уни ҳеч муболағасиз Ренесанс, яъни Уйғониш ҳодисасигагина қиёслаш мумкин¹¹⁵.

Маданий-маърифий ислохотларнинг ибтидосида, албатта, мактаб-маориф ишлари туради. Шу кезлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб “усули жаид” мактаблари очилди. Унинг ташкилотичлдари татар маърифатпарварлари бйлан бирга, ерли-маҳаллий зиёлилардан МаҳмудХўжа Бехбудий (1875-1919), Абдуқодир Шақурий (1875-1944), Сиддиқий Ажзий, Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Фмтрат (1886-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Файзулла Хўжаев (1896-1938), Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим) (1875-1932), Абдуваҳоб Ибодий, Саидризо Ализода каби атоли зотлар эди¹¹⁶.

Янги усул мактаблар туркистонда жаид маърифатчилигининг илк кўриниши бўлибгина қолмай, то мазкур ҳаракат соф сиёсий қиёфа касб

¹¹⁵ Ризаев Ш. Жаид маърифатчилиги ва тетар. /Жаидчилиқ: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жаидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам № 1. Т: Университет 1999. – Б. 118.

¹¹⁶ Ризаев Ш. Кўрсатилган мақола. – Б. 118-119.

этгунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Мактаб-маориф ишлари билан бир аторда, ўзбек маърифатчилигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлиб, илк ўзбек миллий матбуоти, биров ўтиб турли маърифий жамиятлар пайдо бўла бошлади. Жамиятлар бевосита маърифатчиликнинг ҳам маънавий, ҳам моддий давомий лигини таъминлашни вазифа этиб белгилаган эди. Тижорат ва бошқа маблағ манбаларини яратиб, жаҳид матқбалари тўхтаб қолмаслиги, газеталарнинг мунтазам чиқиб туриши, алоҳида истеъдод кўрсатган маҳаллий болаларни хорижга таҳсил учун юбориш каби эзгу ишлар жамиятларнинг асосий мақсади эди. Ана шу масад йўлидаги яна бир восита театр ҳам бўлди¹¹⁷.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида Ватанимиз тарихи ва тарихшунослигининг қайта ўрганилиши, илмий асосда талқин этилиши бошланди. Ўзбекистон мустақилликка эришиши буюк тарихий воқеа бўлиб, ватанимиз жаҳон сиёсий харитасида Осиё қитъасининг марказидаги янги мустақил давлат сифатида ўз мавқеини мустаҳкамламоқда. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Мустақилликка эришгач, тоталитар тузум кишинларидан халос бўлган Ўзбекистон халқи ижодий меҳнати билан ўзининг кўп асрлик тарихига янги-янги саҳифалар битмоқда".¹¹⁸

Ўзбекистонда янги ижтимоий тузум ўз ғояси, сиёсати ва амалиётига эга бўлиб, барча соҳаларда бўлгани каби тарих фанида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Тарих фани яккапартиявий мафкура руҳида, синфий ёндошув асосида яратган 70 йиллик сохта тарихдан воз кечиб, ҳақиқат йўлига чиқиб олди. Мустақил Ўзбекистон тарих фанининг янги шароитларда бош

¹¹⁷ Турсунов Р. Н. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий – иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари. Тарих фанлари номзоди. дис. – Тошкент, 2008. – Б. 105..

¹¹⁸ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент. – 1995. – Б. 7-8.

вазифаларидан бири тарихшуносликдаги барча мавзуларни чуқур илмий тадқиқ этиб, тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Совет даври тарихи кўпгина соҳталаштиришлардан муболағалардан иборат бўлганлиги, айниқса Марказий Осиё республикалар, жумладан Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин тарихи Россиянинг- "катта оғанинг" улуғдавлатчилик талабларига мос ҳолда таърифлангани, бунинг илм, мафкура, миллий онг, маданият соҳаларидаги оқибатлари бугун тобора маълум бўлиб бормоқда.

Хулоса

Ўзбекистоннинг миллий давлат сифаида ривожланиш йўлига ўтиши тарихий хотирани тиклашга, миллий ўзликни англашга мезон яратди. Шу боис, ўзбек халқининг узоқ муддатли озодлик ва мустақиллик кураши, миллий-озодлик ҳаракати мафкурасининг шаклланиши тарихи жцда паст кучли ижтимоий қизиқиш уйғотмоқда. Маълумки, 70 йиллик шўролар истибдоди даврида ўзбек халқининг ва умуман, Марказий Осиё халқрининг

озодлик кураши саҳифалари коммунистик мафкура тазйиқ остида онгли равишда сохталаштирилди.

XXI асрнинг дастлабки йилларида ҳам ўтмишдан сабоқ чиқариш жараёни давом этмоқда. Айниқса, тарихга мураккаб сиёсий жараёнлар ва туб бурилишлар даври бўлиб кирган XX аср келажак авлодлар учун сабоқ бўладиган не-не воқеаларни бошидан кечирмади. Ниҳоят, ўтган юз йилликнинг тўқсончи йилларида бошидагина халқмизнинг муқаддас орзуси ушалди – мустақиллик қўлга киритилди. Янги аср бўсағасида дунё харитасида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ота-боболаримиз қалбида узоқ йиллар давомида ардоқлаб келинган орзулар бушунга келиб рўёбга чиқа бошлади. Мамлакатимиз қисқа вақт ичида давлатчилик асосларини қуришда, иқтисод, ҳуқуқ, маданият, фан ва техника соҳаларида салмоли ютуқларни қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ўтмишда Туркистон, Хоразм, Суғдиёна, Бақтрия каби маданияти юксак ва қудратли давлатлар мавжуд бўлгани, озодлик йўлида жонини фидо қилган Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна каби қаҳрамонларнинг жасорати бугунги кун ёшларида Ватани учун ифтихор туйғусини шакллантириб, фидойиллик ҳиссини тарбиялашга хизмат қилмоқда. Соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд этилган, Чиндан то Ўрта Ер денгизи соҳилларига қадар чўзилган қудратли давлатники ёки Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган даврларни, Бобур Мирзонинг бунёдкорлик фаолиятларини эслайдик. Бундай буюк аждодларимиз ҳукронлик қилган тзамонларда хунармандчилик, илм-фан ва санъат гуллаб яшнаган, Форобий ал-Хоразми, Беруний, Имом ол-Бухорий, Абу Али ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Алишер Навоий каби табаррук зотларнинг номлари ҳамиша ўзбеке халқи учун ифтихор булоғи бўлиб хизмат қилади.

Юқорида биз ўтмишимизнинг айрим нуқталарига тўхталиб ўтдик, холос. Аммо шунинг ўзи ҳам халқимиз тарихи нақадар бой ва салмоқли эканини кўрсатиб турибди. Ўлкамизнинг ўтмиши, буюк аждодлар руҳи

поклари ва улар қолдирган бой илмий, маънавий мерос бизга катта ишонч, интилиш, қатъият ва куч-қувват бахш этиб, келажаги буюк давлат барпо этишдек шарафли ишда мадад бўлишига ишончимиз комил. Ҳар қадаи шароитда ҳам ўз халқининг шаънини баланд кўтарувчи ёрқин шахслар бор бўлган, десак асло муболаға бўлмайди. Яқин ўтмишизга хизмат қилиб, халқ бахти йўлида азиз жонларини қурбон қилган ўзбек маърифатпарварлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир ва бошқа кўплаб инсонлар сийсомоси ҳар лаҳза қалбларимизни ёритиб, тарихдан сабоқ олишга ундайди.

Энди тарихий ҳақиқатни тиклаш вақти келмоқда XIX-XX асрлардаги шароитда миллий озодлик ҳаракатининг, шу жумладан, унинг алоҳида ижтимоий-сиёсий оқимларининг тарихий тажрибанинг кўрсатишича, миллий ўзликни англашнинг ўсишига муҳим тўртки бўлган ва миллий озодлик ғоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат – жадидчилик бўлган. У жаҳондаги умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланиб, жамиятнинг пишиб етилган ривожланиш тўлаблари ва ўлка тўб ерли аҳолисининг зарур манфаатларига жавоб берарди..

Жадидчилик, маърифатпарварликдан қудратли сиёсий ҳаракатга қадар бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Туркистондаги мустамлака, унинг турли танззулга юз тутганлиги, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи, жаҳоннинг тарққий этган мамлакатларидан итисодий жиҳатдан ортда қолиши, маданий қолоқлик, ижтимоий онгдаги турғунлик – жадидларни жаҳон тараққиёти тажрибаларини излаб топишга чорлади. Етилиб қолган муаммоларни ҳал этишдаги дастлабки йўл сифатида маърифатпарварлик ҳаракати юзага келди.

Даврлар ўтиб, кўҳна Туркистон яна экини ўз қўлига олди. Бугун Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тенглар ичра тенг бўлиб, ўзининг янги мустақил турмушини қурмоқда, юртимизда ҳам моддий, ҳам маънавий буюк

қурилиш жараёни кечмоқда. Биз юртимизни дунёга танитган аجدодларимиз анъаналарини, улар бизга васият қилиб қолдирган турмуш тарзини тикламоқдамиз. Шунинг учун ҳам буни ўзликни англашдан, кадриятларни тиклашдан бошладик. Биринчи саволимиз “Биз киммиз?” деган савол бўлди. Унга жавоб сифатида миллатнинг ор-номуси ҳисобланган соҳибқирон кадрини ўз ўрнига қўйдик. Муҳташам ҳайкалларини тикладик. Европанинг оқ марказида жаҳон жамоқтчилигининг кўзи ўнгида, дунё илм аҳлининг энг сара вакиллари иштирокида 660 йиллик тантаналарини нишонладик.

Иккинчи томондан, “Авесто”дан Аҳмад Яссавийгача, Имом Бухорийдан Бурҳониддин марғинонийгача. Аҳмад Фарғонийдан Имом Мотуридийга бўлган маънавий сарчашмаларимиз йўлидаги ғовлар олиб ташланди, миллати қалбига уни асрлар давомида яшнатган маънавий озиқ келиб кирди. Буларгина эмас, бу кўҳна Ватан истиқлоли йўлида жон берган буюк боболаримиз Нажмиддин Куброю Жалолиддин Мангубердидан кечаги фидойи авлод Фитрату Чўлпонларгача кадр ва эъзоз топди.

Ҳолбуки, орадан фақат йигирма бир йил ўтди.

Бу миллий уйғониш ва миллий тараққийпарварликдир. Миллатнинг ўзлигини англашдир. Ўз вужудида асрлар давомида келаётган эрк ва маърифатга муҳаббат туйғусининг, асл туркий исломий ахлоқнинг уйғонишидир. Бу унинг ўз турмушини қайта қурилишидаги буюк омиллардандир. Ўтган аср тарихимизнинг ёрқин саҳифаси бўлган жадидчилик, маъорифпарварлик билан бугунги буюк бунёдкорликни боғлаб турувчи энг муҳим ҳалқа ҳам мана шудир.

Фойдаланиладиган манбалар ва адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси президенти

И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998.
2. Каримов И А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т: 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т: 2012.

Асосий адабиётлар

5. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. / Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. Т: Ўздавнашр, 1963.
6. Айний С. Эсдаликлар. I – IV қисмлар. / Асарлар 8 жилдлик. 5-7 жилдлар. Т: Ўздавнашр 1965 – 1966.
7. Хўжаев Ф. Бухоро инқилоби тарихига материаллар. Т: Фан, 1997.

8. Алимова Д. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. Т: Узбекистан, 2000.
9. Алимова Д. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. Т.: Узбекистан, 2000.
10. Алимова Д. История как история, история как наука. Т. 1 – 2 Т: Узбекистан, 2008 – 2009.
11. Алимова ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991). 10 – синф учун дарслик. Т: Шарқ 2000.
12. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик (Илмий-тадқиқий мақолалар). Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
13. Қосимов Б. Миллий уйғониш (Жасорат, маърифат, фидойилик). Т: Маънавият 2002.
14. Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиланиш ва тараққиёт учун кураш. Т: 2001.
15. Ишанов И.А Бухарская Народная Советская Республика. Т: Узбекистан, 1969.
16. Исмоил Гаспринский. Ҳаёт ва мамот масаласи. Т: Маънавият, 2006.
17. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). 2 жилдлик. Т: Фан, 1994.
18. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 жилдлик. 2-жилд. / Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т: Шарқ, 2000.
19. Каримов Н. Маҳмудхўжа Бехбудий. Т: Ўзбекистон 2011.
20. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т: Ўзбекистон, 2008.
21. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т: Шарқ, 2001.
22. Маҳмудова Г. Жадиизм ва Туркистонда ахлоқий-эстетик фикр тараққиёти. Т: Давр пресс, 2006.
23. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. Т: Янги нашр, 2011.

24. Махмудхўжа Бехудий. / Танланган асарлар. Т: Маънавият, 2006.
25. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. Т: Академия, 2009.
26. Ибрат, Ажзий, Сўфизода. / Танланган асарлар. Т: Маънавият, 1999.
27. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам. № 1. Т: Университет, 1999.
28. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т: Маънавият, 2004.
29. Фитрат. / Танланган асарлар. 5 жилдлик. 1-жилд. Т: Маънавият, 1999.
30. Ражабов Қ, Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т: Университет, 2002.
31. Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. Т: Ўқитувчи, 2002.
32. Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. 1999 йил, 16-19 сентябрь. Т: Маънавият 2001.

